

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.01.11  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**КАЛАНДАРОВ РАВШАН АБДУКАЮМОВИЧ**

**ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ РИВОЖЛАНИШИГА  
ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ ОШИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ**

08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Каландаров Равшан Абдукаюмович**

Иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишига институционал ўзгаришларнинг таъсирини ошириш йўллари..... 5

**Каландаров Равшан Абдукаюмович**

Пути усиления влияния институциональных изменений на развитие реального сектора экономики..... 32

**Kalandarov Ravshan Abdukayumovich**

Ways to increase the impact of institutional change on the development of the real sector of the economy..... 60

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 64

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.01.11  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**КАЛАНДАРОВ РАВШАН АБДУКАЮМОВИЧ**

**ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ РИВОЖЛАНИШИГА  
ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ ОШИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ**

08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Iqt857 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаев Суён Артикович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тухлиев Нурислом**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Муфтайдинов Қиёмиддин Ҳамдамович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.01.11 рақамли илмий Кенгашнинг 2023 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (71) 227-12-24; (71) 246-02-24, факс (71) 246-90-80; e-mail: rector@nuu.uz.

Диссертация иши билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100114, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (71) 227-12-24; (71) 246-02-24, факс (71) 246-90-80, e-mail: rektor@nuu.uz.

Диссертация автореферати 2023 йил \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Содиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Қ.Қ. Мамбетжанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**А.В. Вахабов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ҳамда сўнгги йилларда дунёда геосиёсий вазиятнинг мураккаблашуви сабабли юзага келган номуносибликлар барча мамлакатларда институционал ўзгаришларни жадал суръатларда амалга оширишни тақозо этмоқда. Ривожланган мамлакатлар институционал ўзгариши асосан мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида реал сектор таркибини такомиллаштиришга қаратилмоқда. Аммо, шундай бўлишига қарамадан, тадқиқотлар сўнгги йилларда институционал ўзгаришлардаги ҳолат салбий тенденцияни кўрсатмоқда. Жумладан, “2020 йилга қараганда 2021 йилда етакчи ҳисобланган АҚШ 9-ўриндан 12-ўринга (кўрсаткичнинг 88,9 дан 87,6 га), Гонконг 5-ўриндан 11-ўринга (кўрсаткичнинг 90,4 дан 88,1 га) тушди”<sup>1</sup>. Бу эса, ўз навбатида, ривожланиш даражасидан қатъий назар барча мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига институционал ўзгаришларнинг ижобий таъсирини ошириш йўллари тадқиқ этишни тақозо қилади.

Жаҳонда институционал ўзгаришларнинг иқтисодиётга таъсири бўйича тадқиқотлар асосан учта йўналиш бўйича амалга оширилмоқда. Жумладан, биринчи йўналиш ўз ичига сиёсий муҳитдаги институционал ўзгаришларни баҳолаш тизимини ўз ичига қамраб олиб, бунда мамлакатдаги сиёсий муҳит барқарорлиги ҳамда бизнес билан боғлиқ хавфсизликни таъминлаш, давлат функцияларининг ўзгариши ва хизматлар сифатини ошириш муаммолари; иккинчи йўналиш реал сектор корхоналари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий қонунчилик базасидаги ўзгаришлар; учинчи йўналишда бизнесни ташкил этишни соддалаштириш, кредит бўйича фоиз ставкаларини оптималлаштириш каби муаммолар тадқиқ этилмоқда.

Янги Ўзбекистонда сўнгги йилларда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг стратегик дастурлари доирасида демократик ислохотларни чуқурлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда реал секторда инклюзив иқтисодий ўсишга эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида “иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцияларни жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш, ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд

---

<sup>1</sup> The Global Innovation Index 2020: Who Will Finance Innovation? is the result of a collaboration between Cornell University, INSEAD, and the World Intellectual Property Organization (WIPO) as co-publishers, and their Knowledge Partners. 2020.- pp. 262. [https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo\\_pub\\_gii\\_2020.pdf](https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2020.pdf) ва The Global Innovation Index 2021: Tracking Innovation through the COVID-19 Crisis. 2021.- pp. 90, 167. [https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo\\_pub\\_gii\\_2021.pdf](https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021.pdf).

тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш”<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда институционал ислохотларни амалга ошириш зарурияти иқтисодийнинг реал сектори ривожланишига институционал ўзгаришларнинг таъсирини ошириш бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”, 2019 йил 7 мартдаги ПФ-5687-сон “Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида”, 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4077-сон “Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4653-сон “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодийнинг реал сектори ривожланишига институционал ўзгаришларнинг таъсирини ошириш масалалари узоқ хориж олимлари томонидан муайян даражада ўрганилган. Жумладан, институтларнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига таъсири классик ва институционализм мактаби вакиллари А.Смит, Дж.Милл, Ж.Сей, Й.Шумпетер, Т.Веблен, Дж.Коммонс, У.Митчеллар<sup>3</sup> томонидан тадқиқ этилган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>.

<sup>3</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М.: Эксмо. 2016. <https://libcat.ru/knigi/prochee/ekonomika/economics/53951-adam-smit-issledovanie-o-prirode-i-prichinah-bogatstva-narodov.html>; Милл Дж. С. Основы политической экономии. М.: Эксмо. 2007. [https://www.econ.msu.ru/cmt2/lib/c/750/file/2-Dj\\_Mill.doc](https://www.econ.msu.ru/cmt2/lib/c/750/file/2-Dj_Mill.doc); Сэй Ж. Б. Трактат по политической экономике. М.: Директ-Медиа, 2007. <http://library.wunu.edu.ua/files/EVD/HTML/sey/say.htm>; Шумпетер Й. Теория экономического развития. М. Директмедиа Пабблишинг. 2008. <http://uaterra.in.ua/wp-content/uploads/2017/11/SHumpeter-Teoryya-ekonomycheskogorazvityya.pdf>; Веблен Т. Теория праздного

Замонавий институтлар ва институционал ўзгаришларнинг иқтисодийнинг реал сектори ривожланишига таъсирининг турли жиҳатлари ғарб олимлари Д.Норт, Р.Коуз, Л.Эрхард, Е.Остром, О.Уильямсон, Дж.Прескотт, С.Миллер, А.Алесина, Р.Нельсон, Р.Барро, Р.Познер, Т.Лауренсе, Е.Ландес, Р.Коннер, С.Доверс, Ж.Кемпбел<sup>4</sup> ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Институционал ўзгаришлар ва иқтисодийнинг реал сектори ўртасидаги боғлиқликнинг турли томонлари МДХ мамлакатлари олимларидан тадқиқотларида ёритилган. Жумладан, Г.Клейнер, С.Кирдина, К.Хубиевлар тадқиқотларида институционал ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва институционал матрицанинг шаклланиши, Р.Нуреев, В.Тамбовцев, В.Полтаревичар институционал тузоқлар ва реал сектордаги иқтисодий ўсиш, К.Яновский, Д.Фролов, Л.Григорьевлар институционал ўзгаришларда давлатнинг ўрни, Б.Карнаухов, В.Иноземцевлар<sup>5</sup> трансформация шароитида институционал ўзгаришларнинг ўрни очиқ берилган.

---

класса. М.: Прогресс. 1984. <http://www.library.fa.ru/files/veblen.pdf>; Коммонс Дж. Р. Правовые основания капитализма. М.: Издательский дом Высшей школы экономики. 2011. ISBN 978-5-7598-0781-0 (англ. Legal Foundations of Capitalism, 1924). [https://id.hse.ru/data/2015/11/19/1250658652/Коммонс\\_site.pdf](https://id.hse.ru/data/2015/11/19/1250658652/Коммонс_site.pdf); Wesley C. Mitchell "Wieser's Theory of Social Economics". Political Science Quarterly. Vol. 32. No. 1 (Mart 1917). pp. 95-118. <https://www.jstor.org/stable/pdf/2141799.pdf>.

<sup>4</sup> Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. М.: Фонд экономической книги "Начала". 1997., Норт Д. Пять тезисов об институциональных изменениях Вашингтонский университет. г. Сент Луис. <http://research.by/webroot/delivery/files/ecowest/1999n4r01.pdf>; Coase. R. H. The Institutional Structure of Production. University of Chicago Law School. Chicago Unbound. 1992. [https://chicagounbound.uchicago.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1033&context=occasional\\_papers](https://chicagounbound.uchicago.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1033&context=occasional_papers); Эрхард Л. "Благосостояние для всех" М.: Дело. 2001 г. <http://www.vixri.ru/d/Erxard%20Ljudvig%20Blagosostojanie%20dlja%20vsex..pdf>; Ostrom E. Understanding Institutional Diversity Princeton University Press Princeton and Oxford Copyright 2005; Уильямсон О. Экономические институты капитализма: Фирмы, рынки, «отношенческая» контракция. Пер. с англ. СПб.: Лениздат CEV Press, 1996. ISBN 5-289-018. <https://www.econ.msu.ru/cmt2/lib/c/750/file/Wilyamson-EcInstCap.doc>; Прескотт Дж. Е., Миллер С.Х. Конкурентная разведка: Уроки из окопов. М.: Альпина Паблицер. 2016. <https://sng1lib.org/book/2890451/82aba0>; Alesina A. The Political Economy of High and Low Growth. Annual World Bank Conference on Developing Economies, 1997. <https://documents1.worldbank.org/curated/en/719821468740214930/pdf/multi0page.pdf>; Нельсон Р., Уиптер С. Эволюционная теория экономических изменений. М.: Финстатинформ. 2000; Barro, R. Determinants of Economic Growth: A Cross-Country Empirical Study, National Bureau of Economic Research. Cambridge, MA 02138. August 1996. [https://www.nber.org/system/files/working\\_papers/w5698/w5698.pdf](https://www.nber.org/system/files/working_papers/w5698/w5698.pdf); Posner R. A. The Regulation of the Market in Adoptions. University of Chicago Law School Chicago Unbound Rev. 1987. pp. 59-72. [https://chicagounbound.uchicago.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=2903&context=journal\\_articles](https://chicagounbound.uchicago.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=2903&context=journal_articles); Lawrence T. Institutional strategy. Journal of Management. Volume 25, Issue 2, 1999, pp 161-187; Elisabeth M. Landes, Richard A. Posner. The Economics of the Baby Shortage. 7 J. Legal Stud. 1978. pp. 323-348. <https://www.jstor.org/stable/7242192>; Connor R., Dovers S. Institutional Change for Sustainable Development. Edward Elgar Publishing. Cheltenham. UK. 2004. [https://books.google.co.uz/books?hl=ru&lr=&id=CtDSAgAAQBAJ&oi=fnd&pg=PR1&dq=institutional&ots=5Vrv9cZI-&sig=1-4vIPbiGjRru5moHnP8rg-loFU&redir\\_esc=y#v=onepage&q=institutional&f=false](https://books.google.co.uz/books?hl=ru&lr=&id=CtDSAgAAQBAJ&oi=fnd&pg=PR1&dq=institutional&ots=5Vrv9cZI-&sig=1-4vIPbiGjRru5moHnP8rg-loFU&redir_esc=y#v=onepage&q=institutional&f=false); Campbell J. Institutional Change and Globalization. Princeton University Press 2004. [https://www.researchgate.net/publication/274519019\\_Institutional\\_change\\_and\\_globalization](https://www.researchgate.net/publication/274519019_Institutional_change_and_globalization).

<sup>5</sup> Клейнер Г. Особенности формирования экономических институтов в России. Экономика и математические методы. 2003. т. 39. №3. [https://kleiner.ru/wp-content/uploads/2014/11/osoben\\_2003.pdf](https://kleiner.ru/wp-content/uploads/2014/11/osoben_2003.pdf); Клейнер Г. Экономика. Моделирование. Математика. Особенности формирования экономических институтов в России. М.: ЦЕМИ РАН, 2016. [http://www.cemi.rssi.ru/publication/newbooks/Econ-Mod-Math/Kleiner\\_EMMbook2016.pdf](http://www.cemi.rssi.ru/publication/newbooks/Econ-Mod-Math/Kleiner_EMMbook2016.pdf); Клейнер Г.Б. Эволюция институциональных систем. М.: Наука. 2004. [https://kleiner.ru/wp-content/uploads/2014/10/inst\\_sistem.pdf](https://kleiner.ru/wp-content/uploads/2014/10/inst_sistem.pdf); Кирдина, С.Г. Институциональные матрицы и развитие России. Санкт-Петербург, Нестор-История. 2014. <http://www.kirdina.ru/doc/book/XYbook3.pdf>; Хубиев К.А. Институциональные преобразования: содержание, объективная необходимость, результаты. Формирование российской модели рыночной экономики: противоречия и перспективы. М.:

Ўзбекистон иқтисодиётида институционал ўзгаришларнинг ўрни Б.Беркинов, А.Ваҳабов, Т.Жўраев, Ҳ.Абулқосимов, А.Расулев, институционал ўзгаришларнинг иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигига таъсири А.Ваҳабов, М.Хайдаров, Н.Холматов, аграр сектордаги институционал ўзгаришларнинг моҳияти ва асосий йўналишлари Д.Тожибоева Ш.Олимжонова<sup>6</sup> ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўрганилган.

Бироқ, юқорида номлари зикр қилинган олимлар томонидан олиб борилган илмий ишларда институционал ўзгаришлар ва реал сектор ривожланиши умумий тарзда тадқиқ қилинган бўлиб, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсирини босқичма-босқич ошириб бориш масаласи алоҳида тадқиқ этилмаганлиги ушбу муаммони тадқиқот мавзуси сифатида танлашга асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” (2016–2020 йй.) мўлжалланган мавзуси йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишига институционал ўзгаришларнинг таъсирини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишига институционал ўзгаришлар таъсири тўғрисидаги назарий қарашлар эволюциясини ўрганиш;

---

Экономический факультет МГУ ТЕИС. 2003; Нуреев Р.М. Россия: особенности институционального развития. М.: “Норма”, 2020; Тамбовцев В.Л. Теория институциональных изменений. М.: ИНФРА—М. 2011; Полтерович В.М. Институциональные ловушки и экономические реформы. Экономика и математические методы. 1999. [http://mathecon.cemi.rssi.ru/vm\\_polterovich/files/ep99001.pdf](http://mathecon.cemi.rssi.ru/vm_polterovich/files/ep99001.pdf); Яновский К.Э. (рук. исс.) Политико-экономические проблемы российских регионов. М. 2001; Фролов Д.П. Трансплантация экономических институтов: расширенная теория. Вопросы экономики. 2021. №9, <https://www.vopreco.ru/jour/article/view/3214>; Григорьев Л.М. Экономика переходных процессов. В 4х томах. М.: 2019; Карнаухова Б.Б. Институциональные основы государственного регулирования корпоративных структур в условиях трансформации хозяйственной системы. Автореферат диссертации доктора экономических наук. СПб.: 2005; Иноземцев В. и другие. Социально-экономические модели в современном мире и путь России. М.: Экономика. 2005.

<sup>6</sup> Беркинов Б. Институционал иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисодиёт”. 3-нашр. 2018; Ваҳабов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичида қўл укладди иқтисодиёт ва унинг тақдирини ҳосил бўлиши. Монография. Т.: Молия. 2002; Расулев А.Ф., Бедринцев А.К. Десять лет экономических реформ. Экономическая наука современной России. 2001. №4. <https://cyberleninka.ru/article/n/desyat-let-ekonomicheskikh-reform-v-uzbekistane-itogi-i-perspektivy>; Ваҳабов А.В. Социальные реформы в странах с переходной экономикой (проблемы и опыт). М.МГУИКИ «ДИС» 1997; Abulqosimov H.P va boshqalar. Institutsional iqtisodiyot. Darslik. Т.: “Universitet”. 2020; Тожибоева Д. Миллий иқтисодиётда институционал ўзгаришлар самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштириш (Ўзбекистон Республикаси аграр соҳа мисолида). Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: 2020; Хайдаров М.Т. Иқтисодий ислохотларнинг институционал жиҳатлари. Иқтисод ва молия. 2012. №6. 2-7 б.; Холматов Н. Институционал ўзгаришларнинг иқтисодий ўсиш ва турмуш фаровонлигига таъсири. Иқтисод ва молия. 2019. №8. 2-8 б.; Олимжонова Ш.О. Аграр соҳада институционал ўзгаришларни амалга оширишнинг назарий жиҳатлари. Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: 2012. 16-20 б.

замон ва макондаги иқтисодиётда институционал ўзгаришларни амалга оширишнинг объектив зарурлигини тадқиқ этиш;

иқтисодиётнинг реал сектори ривожланиши ва институционал ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқликнинг амал қилиш тамойилларини белгилаш;

иқтисодиётнинг реал сектори ривожланиши тенденциялари ва унинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда институционал ўзгаришларнинг амалга оширилиши ва унга таъсир қилувчи омилларни очиб бериш;

мамлакатда институционал ўзгаришларнинг иқтисодиёт реал сектори ривожланишига таъсирини ўрганиш;

иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишида институционал ўзгаришларни амалга оширишнинг хориж тажрибаларини таҳлил қилиш ва ундан самарали фойдаланиш йўллари белгилаш;

институционал ўзгаришларнинг реал сектор ривожланишига таъсири оширишда давлатнинг иқтисодий механизмларидан самарали фойдаланиш йўллари ажратиб бериш;

мамлакат реал секторига кўрсатилаётган хизматларда давлат улушини камайтириш йўллари аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** бўлиб Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти реал сектори ва институционал тузилмалари ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** бўлиб иқтисодиёт реал секторини ривожлантириш ва институционал ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Мазкур диссертация ишини бажариш жараёнида иқтисодий жараёнларни тадқиқ этишнинг илмий абстракция, SWOT-таҳлил, мантиқийлик ва тарихийлик, анализ ва синтез, статистик ва қиёсий таҳлил, дедукция, индукция, прогнозлаштириш, иқтисодий-математик моделлаштириш, жадвал ва график усуллардан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

иқтисодиёт реал сектори тармоқларининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқишда давлатнинг “имконият ва чеклов” ҳамда инновацион тизимларнинг ўзаро мувофиқ ҳолдаги ёндашуви асосланган институционал ўзгаришларни киритиш таклифи ишлаб чиқилган;

реал секторда инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлашга давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг «0» дан «100» баллгача бўлган мезонини ишлаб чиқиш асосида республика ҳудудларини «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифаларга ажратган ҳолда инновацион лойиҳаларни молиялаштириш орқали эришиш таклифи асосланган;

институционал ўзгаришлар самарадорлигини уй хўжалиги ва тадбиркорлик секторига кўрсатилаётган давлат хизматларида давлат-хусусий шерикчилик тизимини жорий этиш асосида соҳада давлат улушини камайтириш орқали ошириш таклифи асосланган;

иқтисодий эркинлик индексининг фискал саломатлик, давлат харажатлари, тадбиркорлик, савдо, меҳнат, пул, инвестиция ва молиявий эркинлик индикаторлари ҳамда институционал ўзгаришлар ўртасидаги корреляцион-регрессион боғлиқликка кўра ЯИМ ўсишининг 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

турли ёндашиш мезонлари асосида институционал ўзгаришлар классификацияси ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг тавсифи очиқ берилган;

иқтисодиётнинг реал секторида инновацион технологиялар улушини назорат қилувчи ва мувофиқлаштирувчи давлат институтини жорий этиш орқали саноат тармоғида юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар улушини оширишга эришиш асосланган;

республикада иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ўсиш тенденциялари ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш таҳлили асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш асосланган;

иқтисодиётнинг реал сектори ўсишига институционал ўзгаришларнинг таъсирини ошириш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибаси ўрганилган ва улардан Ўзбекистонда самарали фойдаланиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда фойдаланилган статистик маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ва Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлиги расмий маълумотлар базасидан олинганлиги, ишлаб чиқилган илмий ёндашувлар, тадқиқот усуллари ва назарий маълумотларнинг расмий манбаларга асосланганлиги, келтирилган таҳлиллар ва эконометрик моделлаштириш ҳамда олинган натижаларнинг бир неча мезонлар бўйича ишончилигининг текширилиши, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изоҳлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Илмий тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва услубий таклифлардан мамлакат инновацион сиёсатида реал сектор даражасини баҳолаш ва ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида институционал ўзгаришлар механизмини такомиллаштириш бўйича илмий аппаратни бойитиш, республикада турли тармоқларни ривожлантириш жараёнларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уни ривожлантириш усуллари ва моделларини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан институционал ўзгаришларга оид республика ва ҳудудий ривожланиш давлат дастурларини ишлаб чиқиш, республикада амалга оширилаётган институционал ўзгаришларни баҳолаш, самарасиз фаолият юритаётган институтларни ажратиш олиш ва уларни ўзгартириш ҳамда ишлаб чиқилган прогноз

кўрсаткичлари асосида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга олий ўқув юртларида “Реал сектор иқтисодиёти”, “Институционал иқтисодиёт”, “Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш”, “Иқтисодиёт назарияси”, “Макроиқтисодиёт”, “Иқтисодий таълимотлар тарихи” каби фанларидан ўқув-услубий материалларни такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишига институционал ўзгаришларнинг таъсирини ошириш йўллари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсиялар асосида:

реал сектор самарадорлигини оширишда “имконият ва чеклов” ҳамда инновацион тизимларни биргаликда қўллаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 январдаги ПҚ-99-сон “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 2.1-илоvasи билан тасдиқланган “2022 йилда иқтисодиёт тармоқлари бўйича янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватларни кенгайтириш лойиҳаларини баҳолаш”да фойдаланилган (Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг 2022 йил 11/03-15-5275-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга қўллаш асосида реал секторнинг инновацион жараёнлари тизимида технология ва билим даражасидаги ўзгаришлар, институционал тизим таркиби ва тузилишидаги қарама-қаршиликлар бартараф этилишига эришилган;

мамлакатда реал секторда инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлашга давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг «0» дан «100» баллгача бўлган мезонини ишлаб чиқиш асосида республика ҳудудларини «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифаларга ажратган ҳолда инновацион лойиҳаларни молиялаштириш орқали эришиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 30 июндаги КҚ-377-IV-сонли “Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қўшма Қарорининг 32-бандига киритилган (Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 10 сентябрдаги 06/30-01/10-4652-сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф реал сектордаги самарали ривожланишни таъминлашда макроиқтисодий, ҳудудий, маҳаллий ва институционал таъсир этиш тизимларида қўлланилди;

республикада уй хўжалиги ва тадбиркорлик секторига давлат хизматларини кўрсатишда давлат-хусусий шерикчилик тизимини жорий этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги ПФ-113-сон “Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари

тўғрисида” Фармони 2-илоvasи Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган миллий стратегиясини 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 10 сентябрдаги 06/30-01/10-4652-сонли маълумотномаси, Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг 2022 йил 14 июндаги 11/03-15-5275-сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф соҳада давлат улушини камайтириш ва институционал ўзгаришлар самарадорлигини оширишда фойдаланилди. Мазкур таклиф давлат хизматлари кўрсатишда институционал эмуляцияни амалда қўллаш имконини берди;

иқтисодий эркинлик индексининг фискал саломатлик, давлат харажатлари, тадбиркорлик, савдо, меҳнат, пул, инвестиция ва молиявий эркинлик индикаторлари ҳамда институционал ўзгаришлар ўртасидаги корреляцион-регрессион боғлиқликка кўра ЯИМ ўсишининг 2026 йилга қадар прогноз кўрсаткичларидан Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигида “Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2026 йилгача бўлган прогноз параметрлари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 10 сентябрдаги 06/30-01/10-4652-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга қўллаш ЯИМ ўсиши бўйича прогноз кўрсаткичлари ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар сифатини яхшилаш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари 17 та илмий анжуманларда, жумладан, 7 та республика ва 10 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг тузилиши кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация умумий ҳажми 158 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, тадқиқотдан олинган натижаларнинг илмий-

амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, илмий тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, мавзу доирасида чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Иқтисодиётнинг реал сектори ва институционал ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқликнинг концептуал асослари”** деб номланиб, унда иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишига институционал ўзгаришлар таъсири тўғрисидаги назарий қарашлар эволюцияси, улар ўртасидаги боғлиқлик, иқтисодиётда институционал ўзгаришларни амалга оширишнинг объектив зарурлиги тадқиқ этилган ҳамда тегишли хулосалар шакллантирилган.

Ҳар бир давлатнинг иқтисодиёт соҳасидаги бирламчи вазифаси бўлиб, миллий иқтисодиёт ва унинг ҳар бир секторида барқарор иқтисодий ўсиш даражасини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу вазифани самарали амалга оширишда давлатнинг ҳаракатлари мамлакат иқтисодий ўсишининг асосини ташкил этувчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш секторлари фаолиятига қаратилади. Мазкур масаланинг ҳал этилиши одатда институционал ўзгаришлар ёрдамида кечади.

Институтлар эволюциясини ўрганиш давомида баъзи институтлар иқтисодий ўсишга кўмаклашган бўлса, бошқалари уни чеклаб қўйган. Аммо, ушбу қонуниятни аниқлаган ҳолда, нима учун самаралироқ институционал тизим томонидан ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда самарасиз бўлган институтларнинг сиқиб чиқарилиши юз бермаганлиги ва уларнинг бунчалик барқарор эканлигини тушунтириш қийин. Бундан ташқари баъзи давлатларда институционал ўзгаришлар иқтисодий тараққиётга сабабчи бўлган бўлса, худди шу институционал ўзгаришлар бошқа давлатларда ҳам шундай натижа бериши кафолатланмаган.

Институционал муҳитнинг миллий хусусиятларидан, шунингдек уни шакллантирилиши, амал қилиши ва табиатидан келиб чиқиб институтларнинг айнан бир хил тўплами иқтисодий ўсишни рағбатлантириши ёки чеклаши мумкин. Шунинг учун маълум миллий иқтисодиёт доирасида институционал ўзгаришлар орқали реал сектор фаолиятининг иқтисодий натижаларини яхшиланиши сабабларни излаш, унинг тезлиги, изчиллиги ва моҳияти ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш замонавий тадқиқотларнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Аслида, институционал муҳитга доимий равишда ўзгариб турадиган “имконият ва чеклов” тизими сифатида ёндашув институционал ўзгаришларни тартибга солиш ёки аксинча, ушбу жараёнга аралашмаслик принципи нуқтаи назаридан тавсифлайди. Аммо, институционал ислохотларнинг муваффақияти тўғрисида кўплаб маълумотлар мавжуд бўлса ҳам, институционал тизимни шакллантиришнинг муайян механизмнинг афзалликлари тўғрисида етарли даражада аниқлик билан хулоса чиқариш мумкин эмас.

Ушбу ёндашувнинг аҳамиятини кўплаб хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар таъкидлаб, у орқали эволюция ҳамда йўналтирилган

институционал ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида муваффақиятлар ва муваффақиятсизлик сабабларини тушунтирадилар. Масалан, М.Аоки янги (бошқа институционал тизимларда синаб кўрилган) институтни ўтиш иқтисодиётининг институционал муҳитига киритишни, одам организмдаги реакцияларнинг мураккаблиги туфайли юзага келиши мумкин бўлган ножўя таъсирларни кўрсатиши мумкин бўлган янги дори-дармонларни одамларда синовдан ўтказиш билан таққослайди<sup>7</sup>. Бундан ташқари, Д.Ходжсон ушбу “имконият ва чеклов” тизимини фаолият юритиши объектив бўлган “ташки дунёда”ги институционал таркиб ҳамда субъектив “одам миясидаги” ўртасидаги ўзаро муносабат жараёнида амалга оширилади<sup>8</sup>. Яъни, шахс, ижтимоий гуруҳ ва умуман жамиятни томонидан амалга ошириладиган институционал ўзгаришларнинг муҳим томонларини идрок этиш ва талкин қилиниши муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, ўзгариш жараёнида ижобий “институционал қолдиқ”нинг шаклланиши “имконият ва чеклаш” тизимидаги мувозанат билан бевосита боғлиқ бўлиб, шахслар, ташкилотлар ва жамият даражасида намоён бўладиган ҳуқуқлар ва мажбуриятларда акс этади. Буни О.В.Иншаков ва Д.П.Флоров ўз тадқиқотларида айнан мажбуриятлар эмас, балки ҳуқуқлар устуворлиги тамойили (институционал имкониятларни кенгайтириш) институционал ҳодисаларнинг марказида туради<sup>9</sup>.

Шунга қарамай, институционал иқтисодиётнинг категорияларидаги жиддий тафовутлар, бизнинг фикримизча, институционал ўзгаришларни кенгроқ таҳлил қилиш учун “имконият ва чеклов” институционал тизимини кўшимча тадқиқ қилиш талаб этилади. Шу сабабли, “институт” категорияларига қайтиб, шуни таъкидлаш керакки, Д.Норд томонидан институтларнинг берилган таърифи замонавий тадқиқотларда энг кенг тарқалгандир. У институтларни “расмий қоидалар, норасмий чеклашлар ва чеклашлар самарадорлигини таъминлаш усуллари” ёки “уларни амалга оширишни таъминлайдиган қоидалар, механизмлар ва одамлар ўртасидаги такрорланувчи ўзаро муносабатларни шакллантирадиган қоидалар ва механизмлар” деб таърифлайди<sup>10</sup>. Шунингдек, Д.Норднинг айтишича: “Институтлар – бу ўйин қоидалари, ташкилотлар – бу умумий мақсадларга билан боғланган шахслар гуруҳлардир”<sup>11</sup>.

Муаллиф фикрича, реал сектор билан институционал ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқлик кўйидаги шарт-шароитларнинг ўзгариши натижасида юзага келган:

<sup>7</sup> M.Aoki. What are Institutions? How should we approach them? / Stanford University. Электрон ресурс [http://econ.worldbank.org/files/3070\\_aoki.pdf](http://econ.worldbank.org/files/3070_aoki.pdf).

<sup>8</sup> Ходжсон Д.М. Жизнеспособность институциональной экономики. М.: Дело, 2003, 43 б.


<sup>9</sup> Иншаков О.В. Фролов Д.П. Институционализм в российской экономической мысли (IX-XXI вв.): 2 томли. - Волгоград: Изд-во ВолГУ, 2002. - Т.1. - 14 б.

<sup>10</sup> Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. М.: Фонд экономической книги “Начала”. – 1997. 18 б.

<sup>11</sup> Норт Д. Пять тезисов об институциональных изменениях Вашингтонский университет г. Сент Луис. Электрон ресурс <http://research.by/webroot/delivery/files/ecowest/1999n4r01.pdf>.

- вақт ўтиши билан институтлар ривожланиши ва реал сектор таъсирига бўлган ёндашувлар ҳам ўзгариши;
- “имконият ва чеклов” тизими ўзгаришга мойил дастлабки институционал тизим сифатида намоён бўлиши;
- ижтимоий-иқтисодий гуруҳлар ва бошқа барча субъектлар давлат таъсири остида ривожланиши ва шаклининг ўзгартириши;
- жамиятда мавжуд расмий ва норасмий институтлар ҳамда уларнинг ўзгариши иқтисодий ўсишнинг асосий сабабчиси бўлиши;
- институтларни расмий ва норасмий шакллари пировардида аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий ўсишга сабабчи бўлиши;
- ҳозирги даврда иқтисодий субъектлар ақлий моделининг ўзгариши юзага келмоқда, бу асримизнинг технологиялашуви билан боғлиқ жараёнлар юзага келиши;
- инновациялар ва билимлар реал секторда норасмий институционал ўзгаришлар қаторига кириб бориши.

Муаллиф томонидан иқтисодиётнинг якуний натижаларига институционал ўзгаришлар вужудга келиши ва ривожланиш жараёнининг таъсирини куйидаги механизм шаклида тақдим этилган.



1-расм. Институционал ўзгаришларнинг механизми<sup>12</sup>

<sup>12</sup>Муаллиф томонидан тузилган.

1-расмда дастлабки институционал тизим институционал мувозанат ҳолати сифатида ўрганилади, яъни ўзгаришнинг экзоген ва эндоген (ички ва ташқи) омилларининг йиғиндиси бу жараёни бошлаш учун етарли бўлмади, ўзгаришлар субъектларида янги расмий ёки норасмий қоидалар ва меъёрларни яратиш зарурати бўлмаганида кўриб чиқилади. Умуман олганда, институционал муҳит ижтимоий-иқтисодий ривожланишга чинакам ҳисса қўшади ва уни чекламайди, институционал мувозанат ҳолати, қоида эмас, истисно ҳисобланади. Шунинг учун мавжуд институционал муҳитни ўзгартиришнинг сиёсий ва иқтисодий сабаблари деярли ҳар доим мавжуд, чунки, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий институтлар ўртасидаги муносабатлар кўпгина омиллар таъсирида мураккаблашади. Уларга мисол сифатида манфаатларнинг устунлиги, сайловлар ва қонунчилик тартибининг номукамаллиги, ўзгариш жараёнида кузатувнинг нотўғри усулларидан фойдаланиш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, ушбу қонуниятлар деярли барча мамлакатларда бир хилда ишлайди - сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва мафкуравий соҳалардаги ижобий ўзгаришлар инвестицияларнинг юқори даромадлилиги ва барқарор иқтисодий ўсишга шароит яратади. Институционал ўзгаришларнинг ўзига хос шарт-шароитлари ва динамикаси уларнинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, реал сектор ривожланиши билан боғлиқ институционал ўзгаришлар узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Институтлар ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро боғлиқлиги институтларнинг барқарор иқтисодий ўсишга эришишда ўз ҳиссасини қўшиши ва уларнинг чекланиши иқтисодий ўсишга тўғридан-тўғри тўсқинлик қилиши мумкинлигида намоён бўлади.

Республикада реал секторнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

- реал секторнинг ўсиш даражаси ЯИМда ўз аксини топади, унинг ошиши ички бозорни товарлар ҳамда хизматлар билан тўйинишига таъсир кўрсатади;

- бирламчи сектор даражасини кўтариш билан ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга эришилади;

- реал сектордаги иқтисодий ўсиш мамлакат молиявий секторининг ҳам ривожланишига олиб келади, шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, миллий иқтисодиёт молиявий секторининг суст ривожланганлиги реал сектордаги иқтисодий ўсишни секинлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилади;

- ФТТ натижаларининг амалиётга кенг қўлланилиши саноатни реал секторнинг локомотив тармоғига айлантиради. Бунинг натижасида самарадорлик ва даромад ошади;

- электрон тизимларнинг ривожланиши реал сектор корхоналари учун ахборот олиш шартларини осонлаштиради, ҳамкорлик истиқболларини кенгайтиришга кўмаклашади ва харажатларни камайтиришга олиб келади;

- инновацион ғоялар ва ишланмалар секторини ривожлантириш реал секторни янада юқори поғонага олиб чиқади. Бунда илмий-техник ва тажриба конструкторлик ишларига (ИТТКИ) ажратмалар асосий ўрин тутди.

Бошқача айтганда, самарали реал секторни шаклланиши давомида институционал ўзгаришлар қуйидагиларга йўналтирилган бўлиши керак:

- мулкый муносабатларни ислоҳ этиш, мулк ҳуқуқи ва мулкни ҳимоя қилиш бўйича самарали тизимни яратиш;

- бозор муҳити ва самарали фаолият юритиш талабларига жавоб берадиган субъектларни шакллантириш;

- давлат томонидан тартибга солишнинг тамойиллари ва аниқ қоидаларини белгилаш;

- давлатнинг турли даражаларида (республика, вилоят ва туман) иқтисодий сиёсатини юритишни қоидаларини такомиллаштириш;

- хўжалик фаолиятини тартибга солиш, яъни, бозор субъектларининг ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа турдаги хўжалик фаолиятларида ўзини тутиш ва ўзаро алоқалари қонун-қоидалари белгилаш.

Республикада иқтисодиётни либераллаштиришга доир амалга оширилаётган институционал ўзрашлар давлат бюджети маблағларини жамоатчилик фикри асосида тақсимланиши механизмини шакллантирди. Бунда “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида давлат бюджети маблағларини тақсимланиши йўлга қўйилди. Ушбу жараён ташаббусли бюджетлаштиришда фуқаролардан келиб тушган мурожаатларда баён этилган ўринли ва долзарб муаммоларни қисқа муддатларда бартараф этиш, давлат бюджетини шакллантириш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига аҳолини фаол жалб этиш муҳим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли Қарори билан тасдиқланган “Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий Низом” тасдиқланган бўлиб, унда маҳаллий ҳокимият томонидан аҳоли томонидан долзарб муаммоларнинг бартараф этилиши ва аҳоли фикрининг инобатга олинishi белгиланган.

Муаллиф фикрича, юқоридаги жараёнларни баҳолаш механизмнинг ишлаб чиқилиши ва амалга киритилиш ўз ижобий натижаларини беради. Бунда аҳоли томонидан ҳокимият фаолиятини 100 балли тизимда баҳолаш ва натижаларни ҳар чорақда сарҳисоб қилиш ўринлидир. Баҳолаш тизими «0» баллдан «100» баллгача баҳоланиб, туман ва шаҳарлар ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари натижаларига кўра «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифаларга ажратиш лозим.

Балларни қуйидагича тақсимланади:

ишчи комиссия томонидан саралаш босқичи ҳаққоний ва сифатли ўтказилишини баҳолаш — лойиҳаларни дастлабки ва якуний қиймати

ўртасидаги фарқ, асоссиз рад этилган лойиҳалар ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш имконияти тўлиқ ўрганилмаслик натижасида ғолиб бўлган лойиҳаларнинг кейинчалик рад этилиши даражаси (20 баллгача);

фуқароларнинг бюджет жараёнига жалб этилиши даражаси — тегишли ҳудуд бўйича келиб тушган лойиҳалар ва овоз сонининг мавжуд аҳоли сонига нисбати (20 баллгача);

«Фуқаролар ташаббуси жамғармаси»га маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишини баҳолашда — Жамғармага туман (шаҳар) кўшимча маблағларининг тегишли қисми йўналтирилиши ҳолатидан келиб чиқиб (20 баллгача);

жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни амалга оширишнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашда — «Очиқ бюджет» ахборот порталида «Жамоатчилик назорати» бўлими орқали лойиҳа муаллифлари томонидан бажарилган ишларни сифати ва ҳолатини баҳолаш тизими орқали (20 баллгача);

лойиҳаларни амалга ошириш бўйича буюртмачилар билан тизимли ишлар ташкил этилганлиги даражаси — лойиҳалар молиялаштирилишидан келиб чиқиб, жами ажратилган маблағга нисбатан ўзлаштирилган маблағга нисбати орқали (20 баллгача) баҳолаб борилади.

Ҳар чорак якунларига кўра мезонларга мувофиқ туман ва шаҳарларнинг тўплаган балларидан келиб чиқиб:

71 баллдан 100 баллгача — «яшил ҳудуд»,

55 баллдан 71 баллгача — «сарик ҳудуд»,

55 баллдан паст бўлганда — «қизил ҳудуд» деб топилади.

Иқтисодиётнинг реал сектори таркибини таҳлил қилиш унинг ҳар бир тармоғи деярли алоҳида иқтисодий институт эканлигини кўрсатади. Чунки, реал сектор тармоқ таркибидаги ҳар қандай ўзгаришлар ушбу институт ўрни ва аҳамиятининг ўзгариши, яъни, миллий иқтисодиётдаги институционал ўзгариши сифатида баҳоланади. Демак, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши иқтисодий неъматлар яратиш ва улар истеъмолининг сифат жиҳатидан янги йўналишларини белгилаб беради.

Диссертация ишининг иккинчи боби “**Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишига институционал ўзгаришларнинг таъсири ва унинг ҳозирги ҳолати**” деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистонда реал секторнинг ривожланиш тенденциялари ва унинг ҳозирги ҳолати, институционал ўзгаришларнинг амалга оширилиши ҳамда унга таъсир қилувчи омиллар таҳлил этилган. Шунингдек, республикада амалга оширилиётган институционал ўзгаришларнинг ЯИМ ҳажми ва ўсишига таъсирини таҳлил қилиш асосида прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Глобаллашув шароитида реал секторнинг ривожланиш йўналишларини белгилашда ҳанузгача энг муҳим институт бу давлатдир. Давлат ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнида барча иштирокчилар манфаатларининг асосий ҳимоячиси. Шу нуқтаи назардан, давлат мамлакатда мавжуд миллий ҳолат ҳамда хўжалик юритиш тизимини ҳисобга олган ҳолда

барча хўжалик субъектларини институционал ўзгаришларни амалга оширишда етакчилик вазифасини бажаради. Институционал ёндашувга кўра, давлатни қонун ижодкори, яъни мулкый ҳуқуқларни белгиловчи, бозорда “ўйин қоидаларини” аниқлаштирувчи, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий фаолиятини таъминловчи, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартномалар тузиш шартлари, ишчи ва иш берувчилар муносабатларни тартибга солувчи сифатида баҳолаш мумкин.

Давлат, иқтисодий ва ижтимоий тизимнинг муҳим институти сифатида, хўжалик юритувчи тизимнинг ўзига хос натижаси сифатида ўрганилиши мумкин. Давлатни бошқариш вазифаси хўжалик юритиш тизими ҳамда унинг реал секторига нисбатан беш асосий вазифалари шаклида намоён бўлади:

- хўжалик юритиш тизими яхлитлигини таъминлайди, иқтисодий субъектларнинг ўзаро муносабатларининг тартиби ва механизмларини белгилаб беради;

- реал сектор субъектлари манфаатлари мувозанатини сақлайди. Бозор механизмлари, у ёки бу сабабларга (меҳнатга лаёқатсизлик, ишсизлик ва бошқа) кўра четга чиқиши мумкин, бунда давлатнинг тартибга солувчи механизми вазиятдан чиқишда зарур бўлади;

- реал секторда “ўйин қоидалари”ни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни, шу жумладан, фуқаролик, жиноий ҳуқуқ, солиқ, монополияга қарши қонунчилик, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларни белгилайди;

- ҳамкорлик фаолиятини осонлаштиришга қаратилган, қонунчиликка риоя этилишини назорат қиладиган давлат-хусусий шерикчилик институтларни ташкил қилади;

- трансакцион харажатларини минималлаштиришга ёрдам беради.

Давлат механизмларининг реал сектор ривожланишига таъсирини умумлашган ҳолда қуйидаги жадвалда акс эттириш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

### Миллий иқтисодиётнинг реал секторини самарали ривожланишини таъминлаш йўналишлари<sup>13</sup>

Таъсир этиш даражаси	Таъсир йўналишлари
<b>Макроиқтисодий</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- реал сектор устувор тармоқлари маҳсулотларига бўлган талабни рағбатлантириш;</li> <li>- ишлаб чиқаришнинг тармоқ ва технологик таркибда прогрессив силжишларни таъминлаш;</li> <li>- юқори технологияли экспорт ва импорт ўринини босувчи маҳсулотларнинг ўсишига кўмаклашиш;</li> <li>- давлат томонидан нисбатан кам ривожланган вилоятларга ёрдам бериш.</li> </ul>
<b>Худудий</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- модернизациялаш асосида юқори технологик саноат корхоналарини устувор ривожлантириш;</li> <li>- дастлабки ишлаб чиқаришни реструктуризациялаш;</li> <li>- саноат ишлаб чиқаришидаги самарасиз корхоналарни тугатиш;</li> <li>- саноатнинг мустақкам “корпоратив асосларинг” шакллантириш</li> </ul>
<b>Маҳаллий</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- даромадлар, нархлар, бандлик даражаси, инвестиция шароитлари бўйича вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ўртасидаги номутаносибликларнинг чуқурлашувининг олдини олиш;</li> <li>- юқори технологияли тармоқларни ва ишлаб чиқариш турларини ривожлантириш</li> </ul>
<b>Институционал</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- шартномалар ва мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини яратиш;</li> <li>- реал секторда таркибий ўзгаришлар учун қулай шароитлар ва инвестицион муҳитни яратиш;</li> <li>- реал секторда таркибий ўзгаришларнинг ижтимоий йўналишини белгилаш;</li> <li>- инсон капиталини ривожлантириш институтларини такомиллаштириш</li> </ul>

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

1-жадвал маълумотлари бизга шуни бермоқдаки, макроиқтисодий даражада қарорлар давлатни иқтисодий ҳолатни барқарор ушлаб туриш реал сектор соҳаларда технологик ривожланишига кўмаклашиш, устувор тармоқ маҳсулотларига талабни рағбатлантириш орқали амалга ошади. Ҳудудий даражада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ҳудудлар реал секторини рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш эса айнан биринчи навбатдаги таъсир даражасини ушлаб туришга ёрдам беради.

Давлат томонидан таъсир этиш тизимнинг муҳим элементи бўлиб – жамлама бюджетни шакллантириш ва фойдаланиш ҳисобланади. Унда республика, ҳудудлар ва тармоқлардаги хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатлари ўз аксини топади. Бу манфаатлар турли даражада реал сектор тармоқларини ривожланиши белгилаб беради

Иқтисодиётнинг реал сектордаги жадал инновацион ривожланишга эришишда мамлакатимизда қуйидаги вазифалар мавжуд:

- оптимал замонавий стандартлар ва қоидаларни, давлат дастурларини шакллантириш ва бошқариш жараёнини такомиллаштириш. Бунда реал секторни ривожланиши учун таъсир этиш механизмларини ва давлат хизмат кўрсатиш соҳаси такомиллаштириш зарур;

- инновацион механизмларни чуқурлаштириш шароитида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурларининг жорий ҳолати ва ривожланишининг хизмат кўрсатиш соҳаси, тенденциялари, ривожланиш тенденциялари, мавжуд шарт-шароитларни ўрганиш;

- хизмат кўрсатиш соҳасида давлат томонидан тартибга солиш жараёнини такомиллаштириш, ўзига хос таркибий қисмларида рағбатлантириш, хизматлар кўламини ошириш лозим.

- миқдорий ва сифат кўрсаткичлари тизимидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш воситаларининг самарадорлигини баҳолашга услубий ёндашув ишлаб чиқиш.

Мазкур вазифалар бизнингча, давлат хизматларида давлат-хусусий шерикчиликни жорий этилишини талаб қилади.

Давлат-хусусий шерикчилиги институти сўнгги йилларда жорий этилаётган нисбатан янги институцион шаклдир. 2019 йил “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ушбу институт фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратди. Давлат хизматларида давлат-хусусий шерикчилигининг жорий этилиши маълум устунликларга эга бўлиши, янги имконияларнинг вужудга келтириши билан бирга баъзи салбий натижалар ва уни жорий этишда тўсқинлик қилувчи омиллар мавжудлиги билан ажралиб туради.

**Давлат хизматларида давлат-хусусий шерикчилигини жорий этилиши  
бўйича SWOT таҳлилий жадвали<sup>14</sup>**

<p><b>S-Давлат хизматларида давлат-хусусий шерикчилигини жорий этилишининг устунликлари</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- бир қатор муаммоларни ечиш қулайликлар пайдо бўлади;</li> <li>- монополия йўқолади, соғлом рақобатчилик муҳити яратилади;</li> <li>- хизматларнинг сифати ошади;</li> <li>- хизматларини кўрсатиш тезлиги ошади.</li> </ul>	<p><b>W-Давлат хизматларида давлат-хусусий шерикчилигини жорий этилишига тўсқинлик қилувчи омиллар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- давлат-хусусий шерикчилигини жорий этиш ва юритишда бюрократик жараёнларнинг кўплиги;</li> <li>- кадрлар масаласида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар: етарли малакага эга бўлмаган кадрларни кўплиги, олий маълумотли кадрларнинг етишмаслиги кабилар;</li> </ul>
<p><b>O-Давлат хизматларида давлат-хусусий шерикчилигини жорий этилишида вужудга келадиган имкониятлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- давлат реал сектор учун давлат хизматларини кўрсатишда кафил вазифасини бажаради, шу сабабли ишонч ортади;</li> <li>- реал сектор учун жорий этилаётган институционал ўзгаришлар турли платформалар яратилиши натижасида ишлаш қулайлиги оширади;</li> <li>- давлат хизматлари мамлакатнинг барча секторларга кириб боради;</li> <li>- давлат хизматлари барча секторларга кириб бориши туфайли нархи арзонлашади.</li> </ul>	<p><b>T-Давлат хизматларида давлат-хусусий шерикчилигини жорий этилишидан қутилаётган салбий омил ва ходисалар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- манфаатлар тўқнашуви юзага келиши;</li> <li>- коррупциянинг нисбий пайдо бўлиши;</li> <li>- агар мукамал тарзда тузилса унда салбий ходисалар мавжуд бўлмайди.</li> </ul>

Юқоридаги SWOT таҳлилий жадвалида кўришимиз мумкинки, давлат хизматларида давлат-хусусий шерикчилигининг жорий этилиши орқали бир қатор муаммолар юзасидан ечим топилади. Давлат хизматларини кўрсатишда монополиянинг йўқолиши ва соғлом рақобатчилик муҳитининг яратилиши ҳисобига кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва уларни кўрсатиш тезлиги ошади.

Муаллиф фикрича, давлат хизматларида давлат-хусусий шерикчилигини жорий этилишига тўсқинлик қилувчи омилларни ҳам алоҳида таҳлил этиш лозим. Давлат-хусусий шерикчилигини жорий этиш ва юритишда бюрократик жараёнларнинг кўплиги, кадрлар масаласида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар: юқори малакага ва олий маълумотга эга бўлмаган кадрларнинг етишмаслиги шулар жумласидандир.

Давлат-хусусий шерикчилигида институционал эмуляцияни қўллашдан афзалликлар:

- институционал эмуляция мавжуд тизимни асл кўринишини сақлаб қолади, фақат сал яхшироқ ва қулайроқ платформага айланиши мумкин;
- эмуляторни яратишда дастлабки вариант юқори нархни талаб қилса ҳам, вақт ўтиши билан тежамкор ечимга айланиши мумкин;
- рақамли объект яратилганлиги туфайли меҳнат ҳаражатларини камайтиради;
- кўпгина эмуляторлар GNU General Public License остида очик кодли дастурий таъминот сифатида ишлаб чиқилган ва тақдим этилган бўлиб, бу уларнинг ҳамкорлик кўламини кенгайтиришда ёрдам беради;

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

- давлат хизматларида институционал эмуляция битта платформага хос бўлган дастурий таъминоти барча дастурий таъминотни ўзида жамлаши билан ажралиб туради;

- давлат хизматларида институционал эмуляцияда буюртма асосида ишлаб чиқилиши туфайли авторлик ҳуқуқи ҳам давлатда, ҳам хусусий шахс бўлиб кирган юридик ташкилотда бўлади.

Давлат хизматларида давлат-хусусий шерикчилигини жорий этилиши натижасида салбий омил ва ходисалар ҳам вужудга келишини кутилади. Уларнинг асосийлари манфаатлар тўқнашувининг юзага келиши эҳтимоли, коррупциянинг нисбий пайдо бўлиши ҳолатидир. Агар ушбу тизим мукамал тарзда жорий этилса унда салбий ҳодисалар вужудга келмайди. Шу сабабли биз давлат хизматларида давлат-хусусий шерикчилигини институционал эмуляциясини қўллашни таклиф қилмоқдамиз.


Диссертация ишининг учинчи боби **“Иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришда институционал ўзгаришларнинг самарадорлигини ошириш йўналишлари”** деб номланган бўлиб, унда иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишида институционал ўзгаришларни амалга оширишнинг хориж тажрибалари ва давлатнинг иқтисодий механизмларидан самарали фойдаланиш, мамлакат реал секторига кўрсатилаётган хизматларда давлат улушини камайтириш йўллари тадқиқ этилган ва тегишли хулоса ҳамда таклифлар шакллантирилган.

“Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қай даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчанади”<sup>15</sup>. Шу сабабли, иқтисодиётнинг реал сектори бўйича аниқ тадбирлар, устувор йўналишларнинг таъсир даражасини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий эркинлик индексини ташкил этувчи кўрсаткичларни мамлакатимизда олиб борилаётган институционал ўзгаришларни намоён этувчи кўрсаткич, деб олиш мумкин. Индекс 12 та кўрсаткични (“мулкчилик ҳуқуқлари, суд хизмати самарадорлиги, ҳукумат яхлитлиги, солиқ юки, давлат харажатлари, фискал саломатлик, тадбиркорлик эркинлиги, меҳнат эркинлиги, пул эркинлиги, савдо эркинлиги, инвестиция эркинлиги, молиявий эркинлик) 4 та гуруҳга, яъни, қонун устуворлиги, давлат аралашуви даражаси, тартибга солувчи самарадорлик, бозор очиқлиги гуруҳларига бирлаштирган”<sup>16</sup>.

<sup>15</sup> Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи (2016 йил 14 декабрь). [https://nrm.uz/contentf?doc=482913\\_shavkat\\_mirzicevning\\_o%E2%80%98zbekiston\\_respublikasi\\_prezidenti\\_lav\\_ozimiga\\_kirishish\\_tantanali\\_marosimiga\\_bag%E2%80%98ishlangan\\_oliy\\_majlis\\_palatalarining\\_qo%E2%80%98shma\\_majlisidagi\\_nutqi\\_\(2016\\_yil\\_14\\_dekabr\)&products=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=482913_shavkat_mirzicevning_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidenti_lav_ozimiga_kirishish_tantanali_marosimiga_bag%E2%80%98ishlangan_oliy_majlis_palatalarining_qo%E2%80%98shma_majlisidagi_nutqi_(2016_yil_14_dekabr)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana).

<sup>16</sup> Index of Economic Freedom <https://www.heritage.org/index/visualize>.




## 2-расм. Иқтисодий эркинлик индекси кўрсаткичлари<sup>17</sup>

Ўзбекистоннинг Иқтисодий эркинлик индексидаги ўрни 2021 йил натижалари бўйича 6 поғона кўтарилиб, 58,3 балл билан 108 ўринни, 2022 йилга келиб 9 поғона пастлади, 55,7 балл билан 117 ўринни эгаллади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон рейтингда сезиларли кўтарилишга, 2017 йил 148 ўридан 2022 йил 117 ўринга, эришган бўлишига қарамай, нисбатан паст даражани эгаллаб келмоқда. Бу мамлакатни халқаро рейтингларда ўрнини ошириши, институционал ўзгаришлар тўғри йўналишда олиб борилаётганлиги ва Ўзбекистонни дунё ҳамжамияти томонидан тан олинашига олиб келди.

Муаллиф томонидан Иқтисодий эркинлик индексининг Ўзбекистон ва бутун дунёдаги баъзи кўрсаткичлари таҳлил қилиб ўталган.

Иқтисодий таълимотлар тарихидан шуниси кўриш мумкинки, мулкчилик масалалари қадимги дунёдан то ҳозирги кунгача файласуфлар ва иқтисодчи-олимлар диққат марказида бўлиб келган. Республикада мулкчилик тўғрисида қонун қабул қилинган бўлиб, унга кўра “Ўзбекистон Республикасида мулккий ҳуқуқ тан олинади ва қонун билан муҳофаза этилади”<sup>18</sup>.



## 3-расм. Ўзбекистон ва дунёда мулкчилик ҳуқуқлари кўрсаткичи<sup>19</sup>

<sup>17</sup> Index of Economic Freedom маълумотлари асосида тузилган.


<sup>18</sup> “Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. 1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрдаги 152-ХП-сон Қонуни. <https://lex.uz/acts/111466>.

<sup>19</sup> Index of Economic Freedom <https://www.heritage.org/index/visualize>.

3-расмда Ўзбекистонда мулкчилик ҳуқуқлари ва уларнинг ҳимоя қилиниш даражасини ифода этадиган кўрсаткич 2000-2008 йиллар 30 балл, 2009-2010 йиллар 20 балл, 2011-2016 йиллар 15 баллни ташкил этиб, ўртача дунё даражасидан 15,6-28,6 баллга паст. Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар нафақат бу, балки бошқа кўрсаткичларга ҳам таъсир қилиб, уларнинг даражаси ўртача жаҳон даражасигача кўтарилди, баъзилари эса, ундан ҳам юқори натижага эришди. Жумладан, мулкчилик ҳуқуқлари кўрсаткичи 2017-2021 йиллар 48-56,6 баллни ташкил этиб, 2020-2021 йиллар ўртача дунёдан 2-4 балл юқорилади. Лекин, бу кўрсаткич ҳам салбий талқин этилади, чунки 60 баллдан кам бўлиши “иқтисодий асосан эркин эмас”лигини кўрсатади.

Муайян вақтдаги шаклланган мулк ҳуқуқи иқтисодий муносабатлар динамикасига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Мулк бўйича қонуний белгиланган имтиёзлар ва устувор йўналишлар кучли дастаклар сифатида чиқиб, иқтисодий алоқаларни амалга оширишга, жамоат манфаатлари тизимини шакллантиришга таъсир қилади. Мулк ҳуқуқи бўйича шаклланган ушбу таъсир мамлакат аҳолисининг асосий қисмига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки, марказлашган режали иқтисодийга эга мамлакатларда товарлар дефицитини келтирганлигини тарих кўрсатади.

Республикада солиқ тизимида амалга оширилган ислохотлар диққатга сазовор. Бу ислохотларга солиқ юкининг пасайиб бориши, солиқ солиш тизимининг соддалаштирилиши, солиқлар сони ва ставкаларининг оптималлаштирилиши, тизимнинг тўлиқ автоматлаштирилганлигидир. Солиқ соҳасидаги ислохотларни давом эттиришнинг асосий йўналишлари Солиқ Концепциясида акс этган<sup>20</sup>.



#### 4-расм. Ўзбекистон ва дунёда солиқ юки кўрсаткичи<sup>21</sup>


4-расмда Солиқ юки кўрсаткичи дунё бўйича бир қанча юқори (59-78) баллни ташкил этмоқда. Ўзбекистонда бу кўрсаткич фақат 2000-2003 йилларда дунё даражасидан паст бўлиб, 50,9-71,9 баллни ташкил этди. Кейинги 2004-2021 йиллар солиқ юки кўрсаткичи дунё даражасидан (14 баллгача) ва мутлоқ даражада (94,4 баллча) бирмунча юқори бўлганлиги

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПФ-5468-сон “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz/docs/3802378>.

<sup>21</sup> Index of Economic Freedom <https://www.heritage.org/index/visualize>.

кузатилди. Бу солиқ институтида амалга оширилган ислохотларнинг натижасидир. Солиқ юки кўрсаткичи билан бирга 2017 йилдан бошлаб юритилаётган Фискал саломатлик кўрсаткичида ҳам мамлакатимиз юқори натижаларни қайд этиб келмоқда.

Иқтисодий эркинлик индексининг Ўзбекистондаги энг паст кўрсаткичлардан бири инвестиция эркинлиги ташкил этади.




**5-расм. Ўзбекистон ва дунёда инвестиция эркинлиги кўрсаткичи<sup>22</sup>**

Юқоридаги диаграммадан кўриш мумкинки, Ўзбекистонда инвестиция эркинлиги кўрсаткичини 2000-2009 йилларда 30 балл, 2010 йили 10 балл, 2011-2018 йилларда аниқланмаган, 2019 йилда 10 балл, 2020-2021 йилларда 20 баллни ташкил этди. Бу ўртача дунё даражасидан (48,8-59,7 балл) анча паст бўлиб, “мутлақо эркин эмас” деб баҳоланади. Реал секторга инвестицияларнинг киритилиши кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади. Демак, реал сектордаги иқтисодий ўсиш бевосита инвестициялаш жараёни билан боғлиқ. Ўзбекистонда инвестиция эркинлиги кўрсаткичининг пастлиги бу соҳадаги ислохотларни изчил давом эттиришни зарур қилиб қўймоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, республикада қўлай инвестиция муҳитини шакллантириш ва тадбиркорлик субъектлари учун турли преференцияларни беришга қаратилган қонунчиликнинг амалга киритилишига қарамай, бу соҳада муаммолар ўз ечимини кутиб турганлигини кўрсатмоқда. Миллий иқтисодиётга инвестициялар оқимининг ортиши мультипликатор механизмининг ишга тушиши натижада реал секторда иқтисодий ўсишнинг ошишига олиб келади.

Иқтисодий эркинлик индексининг Ўзбекистондаги энг паст кўрсаткичлардан яна бири молиявий эркинлик кўрсаткичидир. Бу кўрсаткич давлат ва хусусий секторда молия фондларидан фойдаланишда мустақил қарор қабул қилишга асосланган.

<sup>22</sup> Index of Economic Freedom <https://www.heritage.org/index/visualize>.



### 6-расм. Ўзбекистон ва дунёда молиявий эркинлик кўрсаткичи<sup>23</sup>

6-расмда Иқтисодий эркинлик индексидаги молиявий эркинлик кўрсаткичининг Ўзбекистон ва дунёдаги ўртача даражаси акс эттирилган. Жумладан, 2000-2006 ва 2010-2019 йилларда 10 балл, 2007-2009 ва 2020-2021 йилларда 20 балл. Бу жуда салбий натижа бўлиб, ўртача дунё даражасидан 30-40 балл паст ва мамлакатда молиявий эркинлик кўрсаткичи “мутлақо эркин эмас” даражадалигини англатади. Ўзбекистонда “Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика Кенгаши”<sup>24</sup> ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини такомиллаштириш белгилаб қўйилган.

Муаллиф мазкур тадқиқот ишида Кўп омилли эконометрик моделни тузишда Heritage Foundation ва The Wall Street Journal ҳамкорлигида юритиладиган Иқтисодий эркинлик индекси кўрсаткичларига асосланган. Эконометрик моделнинг аниқлик даражасини ошириш мақсадида таҳлил учун олинаётган маълумотлар 2000-2021 йилларни қамраб олган.

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон Иқтисодий эркинлик индекси кўрсаткичлари<sup>25</sup>

Йил	Кўрсаткичлар								
	Мулкчилик ҳуқуқлари	Ҳуқуқат яхлитлиги	Солиқ юки	Давлат харажатлари	Тадбиркорлик эркинлиги	Пул эркинлиги	Савдо эркинлиги	Молиявий эркинлик	
2000	30	10	59,4	65,3	40	48,5	50	10	
2001	30	18	55,9	65,3	40	44,9	50	10	
2002	30	24	50,9	69,3	40	42,4	50	10	
2003	30	27	72	72,6	40	41,3	22	10	
2004	30	29	72,2	76,3	40	42,3	22	10	
2005	30	24	73,2	58,5	40	53,4	71,6	10	

<sup>23</sup> Index of Economic Freedom <https://www.heritage.org/index/visualize>.

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сон Фармони <https://lex.uz/docs/4838762>.

<sup>25</sup> Index of Economic Freedom <https://www.heritage.org/index/visualize>.

2006	30	23	77,3	52,2	67	61,8	68,2	10
2007	30	22	85	69,3	65,2	58,6	68,2	20
2008	30	21	88	68,3	68,5	57,5	68,4	20
2009	20	17	88,3	68,1	68,4	62,6	65,4	20
2010	20	18	88,4	72,6	67,8	62,4	65,1	10
2011	15	17	90,5	71	66,8	61,7	66,2	10
2012	15	16	94,4	64,9	67,6	64,2	66,1	10
2013	15	16	90,2	67,8	71,2	63	66,1	10
2014	15	13,4	90,3	70,4	75,7	63,1	66,1	10
2015	15	17	90,2	67,3	73,1	63,5	69,8	10
2016	15	18	90,4	66,6	67,1	65,6	65,6	10
2017	48	27,5	90,7	66,2	64,8	61,1	66,8	10
2018	48,7	24,2	91	65,5	66,9	61,9	62,5	10
2019	49,8	25,2	91,3	67,4	72,5	58,9	62,6	10
2020	59,1	28,2	91,6	74,7	72,6	59,9	67,6	20
2021	57,8	30,5	92,4	79,9	73,5	60,3	55,4	20

Иқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган кўп омили эконометрик моделни тузишнинг асосий қоидаларидан бири, бу моделга танлаб олинган омилар ўртасида боғланиш зичликларини аниқлаш, яъни танланиб олинган омилар ўртасида боғланишнинг мультиколлинеарлик муаммосини текшириш ҳисобланади. Бунинг учун омилар ўртасида корреляция коэффицентлари ҳисобланади,  $x_i$  ва  $y_i$  ўзгарувчилар  $i=1, \dots, n$  қийматларни қабул қилишда,  $x$  ва  $y$  ўртасида чизикли боғлиқликни кўрсатувчи энг кўп тарқалган кўрсаткич бўлиб, корреляция коэффицентлари ҳисобланади ва у қуйидагича ҳисобланади:

$$r_{xy} = \frac{Cov(x, y)}{\sqrt{Var(x)}\sqrt{Var(y)}}. \quad (1)$$

Тенгламанинг суратида турган  $Cov(x, y)$  қиймат қуйидаги нисбат билан аниқланади:

$$Cov(x, y) = \frac{1}{n-1} \sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})(y_i - \bar{y}) \quad (2)$$

$x$  ва  $y$  ўзгарувчиларнинг ковариацияси дейилади ва қуйидагича топилади:

$$Cov(x, x) = Var(x), \quad Cov(y, y) = Var(y).$$

Ўзбекистон иқтисодиётининг реал сектори ва унинг ривожланишига таъсир этувчи омилар ўртасида қуйидаги кўринишда корреляцион матрица ҳисобланди (4-жавдал).

4-жадвал

Омилар ўртасида боғланишларнинг корреляцион матрицаси

Y	X <sub>1</sub>	X <sub>2</sub>	X <sub>3</sub>	X <sub>4</sub>	X <sub>5</sub>	X <sub>6</sub>	X <sub>7</sub>	X <sub>8</sub>
Y	1							
X <sub>1</sub>	0,39343305	1						
X <sub>2</sub>	0,21552823	0,74936906	1					
X <sub>3</sub>	0,81164934	0,03601301	0,03369646	1				
X <sub>4</sub>	0,30079601	0,22622630	0,29254406	0,18456629	1			
X <sub>5</sub>	0,80549143	0,02850265	-0,0965509	0,89374954	0,10321436	1		
X <sub>6</sub>	0,71283452	-0,1345466	-0,2672882	0,86388243	-0,1526092	0,91021350	1	
X <sub>7</sub>	0,45867486	-0,0945255	-0,3209972	0,54403169	-0,4068284	0,67980538	0,82351540	1
X <sub>8</sub>	0,20872115	0,36061219	0,25757692	0,28400015	0,37726220	0,33917029	0,17906399	0,20902461

Юқоридаги омилларнинг 2000-2021 йилги кўрсаткичларига асосида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти билан унга таъсир этувчи омиллар билан кўп омилли эконометрик модел тузилди ва у қуйидаги кўринишга эга:

$$y = - 535,485 + 2,274 * x_1 + 0,05 * x_2 + 0,682 * x_3 + 4,367 * x_4 + 1,212 * x_5 + 3,966 * x_6 + 0,467 * x_7 - 5,235 * x_8 \quad (3)$$

Тузилган ушбу кўп омилли эконометрик модел шуни кўрсатадики, мулкчилик ҳуқуқлари ( $x_1$ ) 1 кўрсаткичга ортиши, ялпи ички маҳсулотни ўртача 2,274 миллиард долларга ортишига олиб келиши мумкин экан, пул эркинлиги ( $x_6$ ) 1 кўрсаткичга ошса, ялпи ички маҳсулот ўртача 3,966 миллиард долларга ортади.

Ишлаб чиқилган иқтисодий модел Фишернинг F, Стюдентнинг  $t$  ва Дарбин-Уотсоннинг мезонлари билан текширилди ва уларни қаноатлантирилди<sup>26</sup>.

Демак, муаллиф томонидан тузилган модел статистик аҳамиятга эга. Тузилган моделдан (3) фойдаланган ҳолда ялпи ички маҳсулотнинг 2022-2026 йиллар учун прогнозини ишлаб чиқиш мумкин. Бунинг учун ҳар бир таъсир этувчи омилнинг вақт бўйича тренд моделлари тузилади. Яъни, натижавий омил  $y$  га таъсир этувчи  $x_1, x_2, x_3, x_4, x_5, x_6, x_7, x_8$  омилларни вақтга боғлиқ деб олинади ва алоҳида тренд моделлар тузилади. Вақтга боғлиқ моделлар тренд модели деб аталади. Тренд модели функциясини экспоненциал, чизиқли, логарифмик, полиномиал ва даражали кўринишда акс эттириш мумкин. Аксарият омиллар чизиқли характерга эга бўлганлиги учун тадқиқот ишида чизиқли тренд модели танланди. Бу ерда  $t$  – таҳлил даври.

$$x_i = b_0 t + b_1 \quad (4)$$

Мулкчилик ҳуқуқлари бўйича тренд модели  $x_1 = 0,840t + 20,49$ ; ҳукумат яхлитлиги бўйича тренд модели  $x_2 = 0,211t + 18,75$ ; солиқ юки бўйича тренд модели  $x_3 = 1,669t + 63,23$ ; давлат харажатлари бўйича тренд модели  $x_4 = 0,245t + 65,34$ ; тадбиркорлик эркинлиги бўйича тренд модели  $x_5 = 1,715t + 41,57$ ; пул эркинлиги бўйича тренд модели  $x_6 = 0,891t + 46,96$ ; савдо эркинлиги бўйича тренд модели  $x_7 = 1,003t + 48,26$ ; молиявий эркинлик бўйича тренд модели  $x_8 = 0,141t + 10,64$  кўринишга эга.

Ушбу юқорида келтирилган омиллар бўйича тренд моделлари ёрдамида ҳар бир омилнинг қийматларини 2022-2026 йиллар учун прогноз қилинади ва прогноз натижалари қийматларини (3) кўп омилли эконометрик моделга қўйиб, натижавий кўрсаткич – Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ўсиши 2022-2026 йиллар учун прогноз қилинди. Прогноз натижаларини қуйидаги 5-жадвалда келтирилган.

**5-жадвал**

**Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 2000-2021 йилдаги динамикаси ва 2022-2026 йиллар учун прогноз қийматлари**

<sup>26</sup> Каландаров Р.А. Иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишига институционал ўзгаришларнинг таъсирини ошириш йўллари. Халқаро молия ва ҳисоб 2021. №3. <https://www.interfinance.uz/en/arxiv/269-3-2021>.

Давр	Йил	ЯИМ млрд. АҚШ \$, ХҚП	Мулкчилик хукуклари	Хукумат яхлитлиги	Солиқ юки	Давлат харажатлари	Тадбиркорлик эркинлиги	Пул эркинлиги	Савдо эркинлиги	Молиявий эркинлик
1	2000	61,569	30	10	59,4	65,3	40	48,5	50	10
2	2001	65,562	30	18	55,9	65,3	40	44,9	50	10
3	2002	69,263	30	24	50,9	69,3	40	42,4	50	10
4	2003	73,512	30	27	72	72,6	40	41,3	22	10
5	2004	81,078	30	29	72,2	76,3	40	42,3	22	10
6	2005	89,455	30	24	73,2	58,5	40	53,4	71,6	10
7	2006	99,075	30	23	77,3	52,2	67	61,8	68,2	10
8	2007	111,402	30	22	85	69,3	65,2	58,6	68,2	20
9	2008	123,789	30	21	88	68,3	68,5	57,5	68,4	20
10	2009	134,837	20	17	88,3	68,1	68,4	62,6	65,4	20
11	2010	146,357	20	18	88,4	72,6	67,8	62,4	65,1	10
12	2011	161,046	15	17	90,5	71	66,8	61,7	66,2	10
13	2012	170,097	15	16	94,4	64,9	67,6	64,2	66,1	10
14	2013	179,717	15	16	90,2	67,8	71,2	63	66,1	10
15	2014	189,421	15	13,4	90,3	70,4	75,7	63,1	66,1	10
16	2015	198,534	15	17	90,2	67,3	73,1	63,5	69,8	10
17	2016	205,512	15	18	90,4	66,6	67,1	65,6	65,6	10
18	2017	211,135	48	27,5	90,7	66,2	64,8	61,1	66,8	10
19	2018	227,98	48,7	24,2	91	65,5	66,9	61,9	62,5	10
20	2019	244,96	49,8	25,2	91,3	67,4	72,5	58,9	62,6	10
21	2020	250,157	59,1	28,2	91,6	74,7	72,6	59,9	67,6	20
22	2021	268,468	57,8	30,5	92,4	79,9	73,5	60,3	55,4	20
23	2022	261,342	39,8	23,6	100,7**	71,0	81,0	67,5	71,3	13,9
24	2023	271,052	40,7	23,8	102,4**	71,2	82,7	68,4	72,4	14,0
25	2024	280,521	41,5	24,0	104,1**	71,5	84,5	69,3	73,4	14,2
26	2025	289,889	42,3	24,2	105,7**	71,7	86,2	70,2	74,4	14,3
27	2026	299,073	43,2	24,5	107,4**	72,0	87,9	71,0	75,4	14,5

## ХУЛОСА

Иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишига институционал ўзгаришларнинг таъсирини ошириш йўллари бўйича амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Реал сектор ривожланишига институционал ўзгаришлар таъсири тўғрисидаги фундаментал тадқиқотлар эволюциясини ўрганиш ва шу асосда иқтисодиётнинг ўсиш даражасини тадқиқ этиш асосида “имконият ва чеклов” ҳамда инновацион тизимларни биргаликда қўллаш самарали эканлиги аниқланди.

2. Иқтисодий институтлар норасмий ва расмий қоидалар ҳамда меъёрлар, шунингдек, турли даражаларда фаолият юритадиган ва уларга таъсир қиладиган ижтимоий-иқтисодий ташкилотлардан иборат. Иқтисодий ўсишнинг шартлари сифатида қабул қилинган институционал ўзгаришлар институтнинг алоҳида унсурлари таркибидаги ўзаро боғлиқ қоидалар ва меъёрлар тўпламидир. Улар институтлар ўртасида битимлар тузиш ва узок

муддатли даврда бозорларнинг самарадорлигини ошириш имкониятини беради.

3. Иқтисодийнинг ривожланиши ва барқарорлиги институтларнинг муваффақиятли ривожланишига бевосита боғлиқдир. Шарк мамлакатларининг институционал тузилиши, жамиятда миллий ўзлигини сақлаб қолиш ва ўз хусусиятларини ҳисобга олиш асосида ғарбдан ўзлаштирилган иқтисодий институтларни сингдира олган.

4. Ўзбекистонда иқтисодийнинг реал сектори ривожланиши тенденцияларининг таҳлили унинг тўлқинсимон характерга эга эканлигини кўрсатди. Бунинг сабаби республикада амалга оширилган институционал ўзгаришлар ва мазкур даврларда реал секторда амалга оширилган йирик лойҳалардир.

5. Ўзбекистонда институционал ўзгаришларнинг иқтисодий реал сектори ривожланишига таъсирини турли хил макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали таҳлил қилиш асосида фаол инвестиция сиёсатининг қўллаб-қувватлаш, реал секторда кластер тизимини фаоллаштириш, давлат саноат бошқаруви соҳасидаги ўзгаришларни амалга ошириш жараёнини давом эттириш лозимлиги аниқланди.

6. Институционал ўзгаришларнинг Ўзбекистон реал сектори ривожланишига таъсирини баҳолаш орқали ЯИМни прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишқилиш мумкин бўлади.

7. Иқтисодийнинг реал секторидаги ўсишга институционал ўзгаришларнинг таъсири сифатида ривожланган мамлакатлар тажрибаси ИТТКИга харажатлар ва ЯИМнинг ўсиши ўртасида тўғридан-тўғри ва пропорционал боғлиқлик мавжудлигини кузатилди, шу сабабли уларнинг Ўзбекистонда қўлланилиши айрим пайдо бўлган муаммоларни ечиш учун эмас, балки, мамлакатни узоқ муддатли ривожлантириш жараёнида тизимли, мақсадли, стратегик ва глобал хусусиятга эга.

8. Амалга оширилаётган институционал ўзгаришлар давр заруриятдан келиб чиққан ҳолда амалдаги иқтисодий институтларнинг янгиланиши билан кечиши мумкин. Эски институционал тизим иқтисодий ўсиш суръатларини секинлаштиради ва ҳатто ривожланишни бутунлай тўхтатишга олиб келиши мумкин. Шу сабабли истикболли барқарор ривожланиш йўлини белгилайдиган муқобил институционал ёндашувни қўллаш лозим.

9. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ инновацион ғоялар ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида реал сектор соҳаларида ўсишга сабаб бўлади.

10. Ўзбекистонда институционал ўзгаришларнинг амалга оширилишида экзоген ва эндоген таъсир этиш даражаси билан бирга субъектив ва объектив омилларни ижобий тарафга силжишига эришиш лозим.

11. Республикада институционал ўзгаришлар самарадорлигини давлат хизматлари соҳасида давлат-хусусий шерикчилик тизимини жорий этиш асосида давлат улушини камайтириш тартибга солиш жараёнини

такомиллаштириш, ўзига хос таркибий қисмларида рағбатлантириш, хизматлар кўламини оширишга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЕ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
№ DSc.03/30.12.2019.I.01.11 ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
УЗБЕКИСТАНА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ**

**КАЛАНДАРОВ РАВШАН АБДУКАЮМОВИЧ**

**ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ВЛИЯНИЯ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ  
ИЗМЕНЕНИЙ НА РАЗВИТИЕ РЕАЛЬНОГО СЕКТОРА ЭКОНОМИКИ**

08.00.01 - Экономическая теория

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ЭКОНОМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2023

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2021.2.PhD/Iqt857 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером**

Диссертация выполнена в Ташкентском финансовом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))

**Научный руководитель:**

**Абдуллаев Суюн Артикович**  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Тухлиев Нурислам**  
доктор экономических наук, профессор

**Муфтайдинов Киёмиддин Хамдамович**  
доктор экономических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Самаркандский институт экономики и сервиса**

Защита диссертации состоится --- февраля 2023 года в --- часов на заседании Научного Совета № DSc.03/30.12.2019.I.01.11 по присуждению учёных степеней по экономическим наукам при Национальном университете Узбекистана по адресу: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 4. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: [rector@nuu.uz](mailto:rector@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрировано под номером --). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: [rector@nuu.uz](mailto:rector@nuu.uz).

Автореферат диссертации разослан -- ----- 2023 года

(Протокол реестра №--- от -- ----- 2023 года)

**А.М. Содиков**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор экономических наук, профессор

**К.К. Мамбетжанов**

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор экономических наук, доцент

**А.В. Вахабов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор экономических наук, профессор

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мире в последние годы возникают дисбалансы, вызванные глобализацией мировой экономики и сложностью геополитической ситуации, требующие ускорения процесса институциональных изменений во всех странах. Институциональные изменения в развитых странах в основном направлены на улучшение структуры реального сектора с целью обеспечения экономического роста в стране. Однако, несмотря на это, исследования показывают негативную тенденцию состояния институциональных изменений в последние годы. Например, “одни из лидеров США в 2021 году по сравнению с 2020 годом, опустился с 9-го на 12-е место (с показателями 88,9 и 87,6 соответственно), Гонконг с 5-го на 11-е место (с показателями 90,4 и 88,1 соответственно)”<sup>27</sup>. Это, в свою очередь, требует исследования путей повышения положительного влияния институциональных изменений на экономический рост всех стран, независимо от уровня их развития.

В мировой практике исследования влияния институциональных изменений на экономику ведутся в основном по трём направлениям. В частности, первое направление включает в себя систему оценки институциональных изменений в политической среде, в том числе проблемы обеспечения стабильности политической среды в стране и безопасность бизнеса, изменения государственных функций и повышения качества услуг; второе направление – изменения нормативно-правовой базы, регулирующей деятельность предприятий реального сектора; в третьем направлении исследуются такие проблемы, как упрощение организации бизнеса, оптимизация процентных ставок по кредитам.

В последние годы в рамках стратегических программ социально-экономического развития Нового Узбекистана особое внимание уделяется углублению демократических реформ, обеспечению верховенства закона, совершенствованию системы «Электронного правительства», либерализации внешнеторговой, налоговой и финансовой политики, сокращению участия государства в экономике, поддержке малого бизнеса и частного предпринимательства, достижению инклюзивного экономического роста в реальном секторе экономики. В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, обусловлены задачи, такие как «увеличение до конца 2026 года уровня цифровизации производственных и операционных процессов в реальном секторе экономики, в финансовой и банковской сферах до 70 процентов; поддержка предпринимательства, совершенствование деятельности структур в регионах по сокращению безработицы и

---

<sup>27</sup> The Global Innovation Index 2020: Who Will Finance Innovation? is the result of a collaboration between Cornell University, INSEAD, and the World Intellectual Property Organization (WIPO) as co-publishers, and their Knowledge Partners. 2020.- pp. 262. [https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo\\_pub\\_gii\\_2020.pdf](https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2020.pdf) ва The Global Innovation Index 2021: Tracking Innovation through the COVID-19 Crisis. 2021.- pp. 90, 167. [https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo\\_pub\\_gii\\_2021.pdf](https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021.pdf).

бедности»<sup>28</sup>. Необходимость обеспечения реализации этих задач и проведения институциональных реформ определяет актуальность проведения научных исследований по повышению влияния институциональных изменений на развитие реального сектора экономики.

Данная диссертационная работа в определённой степени служит реализации задач, обозначенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», УП-6003 от 2 июня 2020 года «Об улучшении позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и индексах, а также внедрении нового механизма системной работы с ними в государственных органах и организациях», УП-5687 от 7 марта 2019 года «О систематизации мер по улучшению позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и индексах», УП-5185 от 8 сентября 2017 года «Об утверждении Концепции Административной реформы в Республике Узбекистан», УП-5544 от 21 сентября 2018 года «Об утверждении стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы», ПП-4077 от 25 декабря 2018 года «О мерах по ускорению процесса модернизации производственных мощностей, технического и технологического перевооружения отраслей промышленности», ПП-4653 от 26 марта 2020 года «Об организации деятельности Министерства экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан, а также подведомственных ему организаций» и других нормативно-правовых актах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** Вопросы усиления влияния институциональных изменений на развитие реального сектора экономики в определённой степени изучались зарубежными учеными. В частности, влияние институтов на развитие экономики страны изучали представители классической и институциональной школы А. Смит, Дж. Милль, Ж. Сэй, Й. Шумпетер, Т. Веблен, Дж. Коммонс, У. Митчелл<sup>29</sup>. Некоторые аспекты влияния современных

---

<sup>28</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы». <https://lex.uz/ru/docs/5841077>.

<sup>29</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М.: Эксмо. 2016. <https://libcat.ru/knigi/prochee/ekonomika/economics/53951-adam-smit-issledovanie-o-prirode-i-prichinah-bogatstva-narodov.html>; Милль Дж. С. Основы политической экономии. М.: Эксмо. 2007. [https://www.econ.msu.ru/cmt2/lib/c/750/file/2-Dj\\_Mill.doc](https://www.econ.msu.ru/cmt2/lib/c/750/file/2-Dj_Mill.doc); Сэй Ж. Б. Трактат по политической экономии. М.: Директ-Медиа, 2007. <http://library.wunu.edu.ua/files/EVD/HTML/sey/say.htm>; Шумпетер Й. Теория экономического развития. М. Директмедиа Паблишинг. 2008. <http://uaterra.in.ua/wp-content/uploads/2017/11/SHumpeter-Teoryya-ekonomycheskogo-razvytyya.pdf>; Веблен Т. Теория праздного класса. М.: Прогресс. 1984. <http://www.library.fa.ru/files/veblen.pdf>; Коммонс Дж. Р. Правовые основания капитализма. М.: Издательский дом Высшей школы экономики. 2011. ISBN 978-5-7598-0781-0 (англ. Legal Foundations of Capitalism, 1924). [https://id.hse.ru/data/2015/11/19/1250658652/Коммонс\\_site.pdf](https://id.hse.ru/data/2015/11/19/1250658652/Коммонс_site.pdf); Wesley C. Mitchell "Wieser's Theory of Social Economics". Political Science Quarterly. Vol. 32. No. 1 (Mart 1917). pp. 95-118. <https://www.jstor.org/stable/pdf/2141799.pdf>.

институтов и институциональных изменений на развитие реального сектора экономики исследованы Д. Норт, Р. Коузом, Л. Эрхардом, Э. Остром, О. Уильямсоном, Дж. Прескоттом, С. Миллер, А. Алесина, Р. Нельсоном, Р. Барро, Р. Познером, Т. Лоуренсом, Э. Ландесом, Р. Коннером, С. Доверсом, Дж. Кэмпбеллом<sup>30</sup> и другими западными учеными.

